

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга ташрифига доир



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлади.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларига доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қиладилар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

[ЎЗА](#)